

**НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ  
ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ (МАКТАБГАЧА  
ТАЪЛИМ МИСОЛИДА)****Халлокова Максудахон***PhD,***Шокирова Гулноза***магистр,**Фаргона давлат университети*

**Аннотация:** Бугунги кунда республикаимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, халқимиз олдида турган ижтимоий-иқтисодий, зоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш, аниқ ва табиий, амалий ва техник, интеграцион алоқадорлик асосида ташиқил этилган ўқув предмети, фанлар ҳодиса ёки жараёнлар яхлит тизим шаклида ҳар томонлама алоқадорлик ва муносабатлар нуқтаи назаридан талқин этишни талаб этмоқда. Бу ўз навбатида бугунги ва эртанги истиқболи талабларига жавоб бера оладиган, мустақил фикр юритувчи ва креатив фаолият кўрсатувчи, малакали мутахассис шахсини шакллантиришга имкон беради.

**Калит сўзлар:** таълим, таълим самарадорлиги, инновация, нодавлат таълим муассасалари, мактабгача таълим.

Тарбиячининг кўпқиррали ва мураккаб фаолият заминида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби муҳим вазифалар ётади. Буларни амалга ошириш эса ўқитувчининг хилма-хил фаолиятига боғлиқ: болаларни ўқитиш, мактабдан ва синфдан ташқари тарбиявий ишдарни ташиқил эта билиш ва ўтказиш, ота-оналар ўртасида педагогик тарғибот ишларини олиб бориш ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси ўқитувчидан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз соҳасини, болаларни севишни талаб этади.

Маълумки, ҳозирги даврда ақлан зукко, креатив қобилиятли, изланувчан ёшдар жамиятни илмий техник тараққиётини ҳаракатга келтирувчи улкан куч-қувват манбаи бўлиб, улар келажакда барча соҳаларда жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашуви лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан ёш иқтидорли мутахассисларни излаб топиш, уларни тўғри йўналтириш олий мақсадлардан биридир.

Бизга маълумки ҳозирда жамиятимизнинг барча моддий ва маънавий соҳаларида ўзгаришлар рўй бериб, инсонлар аниқ мақсадлар сари интилоқда ва ўзлари учун муҳим иқтисодий, маънавий шарт-шароитларни яратиб, барқарор ривожланишни таъминлаш учун хизмат қилоқдалар. Демократик жамият қуришнинг долзарб муаммоларидан бири - инсон тафаккури ва маънавиятини ўзгартиришдир. Янгича тафаккурнинг пайдо бўлиши, инсоннинг бугунги тараққиётдаги ўрни ва ролини англаш жамиятнинг демократик тамойилларга асосланиб ривожланишининг муҳим омилига айланди. Ҳар бир давлатнинг асосий бойлиги - бу инсон. Бундан шундай

хулоса келиб чиқадики, давлатнинг бойлиги ва қудратини оширишнинг асосий йўли – ёшларда интеллектуал маданиятни шакллантиришдир.

Инсоннинг интеллектуал маданияти асосан унинг яшаш тарзи, мустақил фикрга эгаллиги, иш фаолияти билан белгиланади. Шунинг учун ҳам инсонни интеллектуал маданияти нафақат уни жисмоний ва маънавий фазилатлари, балки унинг моддий фаровонлиги билан ҳам боғлиқдир. Инсон ўзининг интеллектуал маданияти орқали воқеликни қай даражада акс эттириши ва у тўғрисида фикр мулоҳазаларини чуқурлаштириш асосида тобора ўз-ўзини чуқурроқ, аниқроқ кашф этиб боради. Яъни, инсонни - интеллектуал потенциали биринчи навбатда унинг ўзлигини англашга қаратилган бўлади.

Маълумки, мамлакатимизда сўнгги йилларда барча соҳалардаги кенг кўламли ислохотлар халқ билан мулоқот принципига уйғун ва ҳамоҳангликда амалга оширилаяпти. Таълим тизимидаги стратегик ўзгаришлар ҳам бунга ёрқин мисол бўла олади.

Бинобарин, нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш, соҳага давлат-хусусий шерикчиликнинг самарали механизмларини жорий этиш, бу борада илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш бўйича қатор янгиликларга қўл урилди. Бу бежиз эмас. Сабаби яқин-яқингача ҳам тадбиркорларга нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш учун лицензия беришнинг марказлашиб кетгани энг долзарб ва ўз ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб келаётган эди. Масалан, узоқ худудларда яшовчи бирор ишбилармон хусусий боғча ёки мактаб очмоқчи бўлса, албатта Тошкентга бир неча бор келиб-кетишига тўғри келарди. Боз устига, лицензия натижаларини ойлаб кутарди. Агар лицензияни қўлга кирита олмаса, у ёғини ўзингиз ўйлайверинг. Хуллас, сарсон-саргардончилик, асаббузарликлар хўп ва кўп эди.

Зеро, давлатимиз раҳбари ҳам қатор чиқишларида мазкур мазкур масалага алоҳида тўхталиб, танқидий фикрлар билдирди ҳамда тегишли вазирлик ва идораларга аниқ топшириқлар берди. Бу борада Президентимизнинг 2017 йил 15 сентябрдаги “Нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламалга айланди.

Юртбошимиз томонидан белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан қатор ишлар олиб борилаяпти. Хусусан, тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда нодавлат таълим хизматларни кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш йўлида фуқароларнинг талаб ва истакларини инобатга олган ҳолда қарор лойиҳаси тайёрланди.

Уни ишлаб чиқиш жараёнида илғор халқаро тажрибалар чуқур ўрганилди. Жумладан, Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси делегацияси Корея Республикасига хизмат сафари уюштирди. Ташриф давомида Жанубий Корейанинг нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонун ва қонуности ҳужжатлари

кўриб чиқилди. Бир қатор мутассади ташкилотларда учрашув ва семинарлар ташкил этилиб, қарор лойиҳаси муҳокама қилинди, ўрганилган малакаларнинг намунали омиллари инобатга олинди.

Масалан, Жанубий Корея мактабгача таълим муассасаларида асосий эътибор таълим-тарбия жараёнига қаратилади. Яъни ушбу даврда олинган таълим-тарбия келажак учун пишиқ-пухта пойдеворга айланади, болаларни таълим олишга қизиқтириш боғчадан бошланиши зарур деган қатъий принципга риоя этилади. Пировардида бугун Корея Республикасида ёшларни боғчада қамраб олиш даражаси 98 фоизга етказилган. Бу эса шубҳасиз кейинги босқичдаги таълим сифатига катта таъсир кўрсатади.

Мазкур жараёнлардан сўнг Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 27 мартда “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилинди. Унинг ҳаётга татбиқ этилиши билан нодавлат таълим муассасаларини ташкил қилиш жараёни янада соддалаштирилди, лицензия талабгорларининг мурожаатларини қисқа муддатларда кўриб чиқиш белгилаб қўйилди. Айтиш мумкин Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали лицензия талабгорлари ҳужжатларини қабул қилишнинг электрон тизими йўлга қўйилди.

Таълим жараёнида масалани қўйишда мавжуд шарт-шароитларни аниқлашда муаммо фундаментал асос сифатида намоён бўлади.

Самарадорлик тушунчаси, гарчи ижтимоий муносабатлар жараёнида кўп қўлланилсада, бошқарув назариясида энг кам ишланган тушунчалардан биридир. Самарадорликнинг умумий назарияси мавжуд бўлмаганлиги боис ушбу йўналишдаги барча уринишлар ҳозирча қутулган натижага олиб келмади. Фаолиятнинг турли соҳаларида самарадорликнинг ўз хусусий кўрсаткичларидан фойдаланилади. Аммо таълимда бугунги кунда бундай кўрсаткичлар йўқ. Шунга қарамай, самарадорлик тушунчаси сифатга йўналтиришда жуда муҳим ва фойдалидир.

Самарадорлик ҳақида гапиришдан олдин фаолият унумдорлиги тушунчасини киритамиз. Ўар қандай фаолият озми-кўпми унумли бўлади. Унумдорлик - бу қандайдир вақт ичида олинган натижаларнинг фойдалилиги ва у билан боғлиқ ҳаражатлар ўртасидаги нисбатни кўрсатувчи фаолият хусусияти демакдир. Унумдорликдан кўпинча бошқарув самарадорлиги кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Гарчи фаолият унумдорлиги билан бошқарув самарадорлиги бири-бирига боғлиқлиги шубҳасиз бўлсада, бироқ улар битта нарса эмас. Таълимнинг бошқа таълим муассасасига нисбатан юқорироқ натижалари ушбу таълим муассасасида бошқарув сифати юқори бўлишидан ҳар доим ҳам далолат беравермайди. Масалан, таълим муассасаси

Бошқарув самарадорлиги деганда эришилган ва эришиш мумкин бўлган унумдорлик ўртасидаги муносабатни акс эттирувчи хусусиятни тушунамиз. Бундай таърифни фаолият кўрсатишни бошқаришга нисбатан ҳам, ривожланишни бошқаришга нисбатан ҳам ишлатса бўлади. Лекин бу ҳолатларнинг ҳар бирида турли



натижалар ва турли харажатлар ҳисобга олиниши керак. Таълим муассасаси ўзи учун таълим сифати иложи борича юқори даражада бўлишини таъминлай олади (бу юқори самарадорлик ҳамда фаолият юритишни бошқаришдан далолат бериши мумкин), аммо айти пайтда у янгиликларни ўзлаштириш ва ўзининг салоҳиятини кучайтириш учун объектив тарзда таълимнинг мавжуд имкониятларидан фойдаланмаслиги мумкин. Бу таълим муассасасини ривожлантиришни бошқариш самарадорлиги пастлигидан далолат беради. Таълим сифати - бу таълим жараёнининг жамиятдаги ҳолати ва натижадорлигини, унинг шахснинг фуқаролик, турмуш ва касб соҳаларидаги билимдонлигини ривожлантиришдан жамият (турли ижтимоий гуруҳлар) эҳтиёжлари ва кутган натижаларига мувофиқлигини белгиловчи ижтимоий 72 категория демакдир. Таълим сифати таълим олувчи ёшларнинг хабардорлигини ривожлантиришни таъминлайдиган таълим фаолиятининг турли жиҳатларини, ўқитиш мазмуни, шакллари ва методларини, моддий-техника базасини, кадрлар таркибини ва ҳ. к. тавсифловчи кўрсаткичлар йиғиндиси билан белгиланади.

Ҳозирги кунда барча таълим муассасалари, шу жумладан мактабгача таълим муассасалари замонавий компютер ва ахборот технологиялари воситалари билан жиҳозланмоқда. Бунда тарбиячи педагогларнинг ўз меҳнати фаолиятига янгича ёндашувни, машғулоти ўтиш жараёнида тарбияланувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда уларни тушунарли ва қизиқарли шаклда ташкил этишда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникатсион технологиялардан самарали фойдаланишлари зарурияти пайдо бўлади. Мактабгача таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнида янги компютер ва ахборот-коммуникатсион технологиялар воситаларининг жорий этилиши, педагог-тарбиячиларнинг ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланиш малака ва кўникмаларини шакллантириш билан бирга, уларнинг машғулоти ташкил этиш жараёнидаги мақсади, вазифалари ва тутган ўрнини ўзгартиради. Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига таълим беришда ахборот технологияларидан фойдаланиш мураккаб масала ҳисобланиб, кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Лекин шунга қарамай, мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялаш ва уларнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб ривожланишида компютер технологиялари воситаларидан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бугунги кунда мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг бадиий-мусликий фаолиятини, матнларни ўқиш, расмларни кўриш ва ажрата билиш тасаввурларини кенгайтириш компютерли ўйин дастурлари орқали фикрлаш ва мустақил қарорлар қабул қилиш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришда ахборот технологияларидан кенг фойдаланилмоқда. Мактабгача ёшдаги болаларнинг ривожланиши учун мўлжалланган компютерли ўйин дастурларининг барчаси ҳам таълим жараёнида ўз самарасини беравермайди. Шунинг учун ҳам компютер ўйинларини танлаш ва улардан фойдаланиш учун жиддий ёндашув ва эътибор керак бўлади. Компютерли ўйин дастурлари шундай яратилган бўлиши керакки, унда бажариладиган ҳар бир ҳаракат болалар томонидан тўғри қабул қилиниши, бажарилиши ва тасаввур этилиши лозим. Ўйин дастуридаги ҳар бир

ҳаракатни бола тушуна олиши, уни қандай бажариш кераклигини ўйлаш ва амалга ошириш имкониятига эга бўлиши лозим. Бундан ташқари, мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчиларнинг ахборот технологиялари бўйича бошланғич саводхонлигини ҳам ошириш зарур, яъни компьютернинг умумий тузилиши, асосий қурилмалари тўғрисида умумий тушунчаларни, клавиатурадан фойдалана олиш малакаларини ҳосил қилиш мумкин. Бу ишлар тарбияланувчиларнинг компьютер ўйинларидан фойдалана олиш бўйича малака ва кўникмалари шаклланишида асосий омил бўлиб ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасасини бошқаришда ҳам ахборот технологиялари воситаларидан фойдаланилмоқда. Бунинг учун эса мактабгача таълим муассасаларида электрон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланган ҳолда электрон ҳужжат алмашуви йўлга қўйилган бўлиши лозим. Бу фаолиятнинг самарадорлиги тарбиячи-педагогларнинг таълим-тарбия жараёнига шу технологияларни қўллашга доир билим, кўникма ва малакалари даражаси ва амалий иш тажрибаларига ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача айтганда, мактабгача таълим тизимида ахборот - коммуникатсион технологияларидан мукамал фойдаланиш учун асосий эътибор, энг аввало, талаб қилинадиган шароитни яратиш ҳамда таълим-тарбия жараёнларида замонавий электрон ахборот ва услубий ресурслардан самарали фойдаланишга қаратилиши лозим. Бугун мамлакатимиз истиқлол шарофати туфайли барча фан соҳаларини ривожланган давлатларда тўпланган тажрибалар асосида таҳлил қилиш ва янада такомиллаштириш имкониятлари мавжуд. Умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиш ва ҳаётимизга татбиқ этиш даври келди. Миллий дастурда таъкидланганидек, яқин келажакда «кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг халқаро ҳуқуқий базаси яратилади, халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари рўёбга чиқарилади, халқаро таълим тизимлари ривожлантирилади». Энг муҳими, бу таълим ўз моҳиятига кўра, ўқув жараёнининг барча иштирокчиларини тўлақонли ривожланишларини кўзда тутди. Бунинг натижасида шахс ўз «мен»ини англай бошлайди ва бойитади, ташқи дунё билан бўлган алоқасида эса ўзининг ижтимоий ролини топа олади, яратувчилик қобилияти шаклланади.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари -Т. 2006.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). - Т.: —Истеъдод|| жамғармаси, 2009. - 160 б.
3. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. - М.: 2003.
4. Ergashevna, K. M. (2021). Factors for improving the quality of education in primary schools of non-state educational institutions. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(9), 792-796.

5. Khallokova, M. E. (2018). Important Aspects of Establishing Non-State Educational Institutions. *Eastern European Scientific Journal*, (2).
6. Халлокова, М. (2022). Нодавлат таълим муассасаларида таълим тизимини модернизациялаш. *Общество и инновации*, 3(1), 151-157.
7. Khallokova, M. E. (2021). CRITERIA FOR NON-EDUCATIONAL INSTITUTIONS TO IMPROVE THE QUALITY OF EDUCATION. *World Bulletin of Social Sciences*, 5, 52-55.
8. Матмусаева, М. А. (2017). Оилада болаларни меҳнатга ўргатиш. *Молодой ученый*, (4-2), 23-24.
9. Матмусаева, М. А. (2016). ТАЛАБАЛАР ПОРТФОЛИОЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ ШАРОИТЛАРИ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 9, pp. 129-131). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
10. Матмусаева, М. А. (2016). ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ ФАОЛИЯТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИНГ ИННОВАЦИОН ХАРАКТЕРИ. In *Сборники конференций НИЦ Социосфера* (No. 9, pp. 127-128). Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro.
11. Makhmuda, Q., & Maftuna, K. (2020). Creative tasks in mathematics lessons in primary classes. *Proceeding of The ICECRS*, 6, 398-400.
12. Adkhamjanovna, Q. M. (2020). Development of creative abilities in primary schools using ICT. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(4), 807-811.
13. Adxamjonovna, Q. M. (2021). Emphasis on thinking in elementary grade mathematics lessons. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 952-954.
14. Damirovich, M. R., Kholikulovna, M. E., & Ibragimovna, A. S. (2022). THE USE OF INNOVATIVE TECHNIQUES IN TEACHING THE RUSSIAN LANGUAGE. *Ijodkor o'qituvchi*, 2(19), 483-488.
15. Damirovich, M. R., & Ibragimovich, T. I. (2022). Sattarovich AU THE ROLE OF SPIRITUAL AND EDUCATIONAL EVENTS IN PROMOTING THE IDEAS OF RELIGIOUS TOLERANCE AND INTERNATIONAL HEALTH. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10, 1.
16. Дехканбаева, М. Н., Накибов, К., & Мустаев, Р. (2019). ГЕОГРАФИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ОПУСТЫНИВАНИЯ. *Экономика и социум*, (11), 939-942
17. Мустаев, Р. Д., & Абдуллаев, С. А. (2020). АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИИЛАР ДАВРИДА АХЛОКИЙ-ЭСТЕТИК ГОЯЛАРНИНГ РИВОЖЛАИИШИ. *Интернаука*, (24-3), 23-24.